Center for Economic Research

АХБОРОТ-БЮЛЛЕТЕН

# Ишбилармонлик Фаоллиги Индекси

## 2019 йил май

Тошкент–2019

# ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ИНДЕКСИ

2019 йил май ойида мамалакатимизда тадбиркорлик фаолияти жадаллигида салбий ўзгаришлар кузатилмоқда. Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан баҳоланган Ишбилармонлик фаоллиги индекси (ИФИ) 2019 йил май ойида қуйидагиларни ташкил этди (1000 дан юқори кўрсаткич фаоллик ўсишини билдирса, 1000 дан паст кўрсаткич пасайишни билдиради, 1-жадвал, 1-расм):

2019 йил апрель ойига нисбатан – 974 бирликни (пасайиш – 2,6%);

2018 йил шу даврига нисбатан – 981 бирликни (пасайиш – 1,9%);

2015 йил январь ойига нисбатан – 1602 бирликни (ўсиш – 60,2%).

**1-расм. 2019 йилнинг май ойида ИФИ ўтган ойга нисбатан 3,1 фоизга камайди**




2019 йилнинг май ойида ишбилармонлик фаоллиги индексининг ўтган ойга нисбатан 974 бирликни ташкил қилиши қуйидаги компонентлар даражасидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлган:

ҳисобварақалар бўйича банклараро транзаксиялар сони апрель ойига нисбатан 0,81 фоизга пасайган;

товар-хом ашё биржасида хом ашё айланмаси жадаллиги ўтган ойга нисбатан 4,5 фоизга пасайган;

амалдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолияти бўйича компонент ўтган ойга нисбатан 3,1 фоизга пасайган.

Шу билан бирга, савдо белгилари муҳофазаси ва мулк ҳуқуқидан фойдаланиш бўйича компонент апрель ойидаги кўрсаткичга нисбатан 5,7 фоизга ошган.

**1-жадвал. 2019 йилнинг март ойида ишбилармонлик фаоллиги индекси ўтган ойга нисбатан 974 бирликни ташкил этди**

| Ой | Ишбилармонлик фаоллиги индекси | Ишбилармонлик фаоллиги компонентлар бўйича (к>1 – ўсиш, к<1 – пасайиш) | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 0,35 | 0,40 | 0,22 | 0,03 |
| | | Банк ҳисобварақалари бўйича операциялар компоненти | Биржа компоненти | Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти компоненти | Савдо белгилари компоненти |
| авг.16 | 1033 | 1,0740 | 0,9938 | 1,0078 | 1,2727 |
| сен.16 | 1034 | 0,8920 | 1,1783 | 0,9988 | 1,0238 |
| окт.16 | 1006 | 1,0771 | 0,9554 | 1,0063 | 0,8527 |
| ноя.16 | 983 | 0,9651 | 0,9501 | 1,0016 | 1,5000 |
| дек.16 | 1018 | 1,0487 | 1,0100 | 1,0044 | 0,8727 |
| янв.17 | 974 | 0,8393 | 1,0707 | 0,9867 | 1,1493 |
| фев.17 | 1152 | 1,0787 | 1,2843 | 1,0273 | 1,1480 |
| мар.17 | 1085 | 1,1064 | 1,1412 | 1,0166 | 0,5711 |
| апр.17 | 992 | 1,0086 | 0,9075 | 1,0403 | 1,5714 |
| май.17 | 1009 | 1,0246 | 1,0192 | 0,9855 | 0,8622 |
| июн.17 | 975 | 0,9363 | 0,9813 | 0,9964 | 1,1769 |
| июл.17 | 976 | 1,0242 | 0,9369 | 1,0008 | 0,7601 |
| авг.17 | 1040 | 1,0097 | 1,0695 | 1,0033 | 1,2624 |
| сен.17 | 968 | 0,9783 | 0,9347 | 0,9935 | 1,1084 |
| окт.17 | 1145 | 1,0853 | 1,2998 | 1,0148 | 0,7283 |
| ноя.17 | 984 | 0,9283 | 1,0107 | 0,9884 | 1,2388 |
| дек.17 | 1012 | 1,0933 | 0,9565 | 0,9980 | 0,9066 |
| янв.18 | 1074 | 0,7625 | 1,4065 | 0,9934 | 0,8571 |
| фев.18 | 1113 | 1,0274 | 1,2536 | 1,0116 | 0,9884 |
| мар.18 | 1048 | 1,0656 | 1,0117 | 1,0176 | 1,5608 |
| апр.18 | 1083 | 1,0961 | 1,1194 | 1,0529 | 0,6508 |
| май.18 | 1009 | 0,9304 | 1,0977 | 0,9450 | 1,2239 |
| июн.18 | 961 | 0,9741 | 0,9221 | 1,0044 | 1,0221 |
| июл.18 | 1033 | 1,1038 | 1,0053 | 1,0065 | 0,7778 |
| авг.18 | 1031 | 0,9519 | 1,1260 | 1,0073 | 0,8571 |
| сен.18 | 919 | 0,9472 | 0,8455 | 1,0106 | 0,9074 |
| окт.18 | 1081 | 1,1206 | 1,0931 | 1,0049 | 1,0306 |
| ноя.18 | 1046 | 0,9787 | 1,0719 | 1,0055 | 1,7772 |
| дек.18 | 1029 | 1,0978 | 1,0008 | 1,0033 | 0,7911 |
| янв.19 | 888 | 0.7080 | 0.9737 | 1.0286 | 0.8169 |
| фев.19 | 1023 | 1,0907 | 0,9698 | 1,0198 | 0,9569 |
| мар.19 | 1040 | 1,0441 | 1,0218 | 0,9806 | 1,6847 |
| апр.19 | 1081 | 1,1064 | 1,0830 | 1,0823 | 0,7460 |
| май.19 | 974 | 0,9919 | 0,9548 | 0,9690 | 1,0573 |

**2- жадвал. 2015 йил январь ойига ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Ишбилармонлик фаоллиги индексининг ўсиши**

| Ойлар | Ишбилармонлик фаоллиги индекси | Ишбилармонлик фаоллиги компонентлар бўйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 0,35 | 0,40 | 0,22 | 0,03 |
| | | Банк ҳисобварақалари бўйича операциялар | Биржа савдолари | Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти | Савдо белгилари |
| 2015 йилнинг январ ойига нисбатан | | | | | |
| дек.17 | 1377 | 1,6223 | 1,1558 | 1,1325 | 3,2717 |
| янв.18 | 1367 | 1,2370 | 1,5050 | 1,1278 | 2,8043 |
| фев.18 | 1552 | 1,2709 | 1,9329 | 1,1422 | 2,7717 |
| мар.18 | 1586 | 1,3543 | 1,8164 | 1,1611 | 4,3261 |
| апр.18 | 1697 | 1,4845 | 2,0641 | 1,2141 | 2,8152 |
| май.18 | 1565 | 1,3812 | 1,8109 | 1,1521 | 3,4457 |
| июн.18 | 1484 | 1,3454 | 1,6312 | 1,1570 | 3,5217 |
| июл.18 | 1478 | 1,4850 | 1,5497 | 1,1647 | 2,7391 |
| авг.18 | 1490 | 1,4136 | 1,6677 | 1,1732 | 2,3478 |
| сен.18 | 1340 | 1,3389 | 1,3665 | 1,1860 | 2,1304 |
| окт.18 | 1516 | 1,5004 | 1,6581 | 1,1909 | 2,1957 |
| ноя.18 | 1551 | 1,4684 | 1,6425 | 1,1973 | 3,9022 |
| дек.18 | 1570 | 1,6121 | 1,6113 | 1,2202 | 3,0870 |
| янв.19 | 1370 | 1.1414 | 1.5183 | 1.3064 | 2.5217 |
| фев.19 | 1378 | 1,2449 | 1,4700 | 1,2835 | 2,4130 |
| мар.19 | 1567 | 1,2998 | 1,7467 | 1,3229 | 4,0652 |
| апр.19 | 1642 | 1,4380 | 1,8604 | 1,3777 | 3,0326 |
| май.19 | 1602 | 1.4264 | 1.7822 | 1.3367 | 3.2065 |
| Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан | | | | | |
| дек.17 | 1077 | 1,0801 | 1,0925 | 1,0491 | 1,0451 |
| янв.18 | 1295 | 0,9812 | 1,7383 | 1,0568 | 0,7795 |
| фев.18 | 1230 | 0,9346 | 1,6341 | 1,0415 | 0,6711 |
| мар.18 | 1155 | 0,9002 | 1,3906 | 1,0417 | 1,8341 |
| апр.18 | 1478 | 0,9783 | 2,2025 | 1,0524 | 0,7595 |
| май.18 | 1130 | 0,8884 | 1,4115 | 1,0084 | 1,0782 |
| июн.18 | 1091 | 0,9242 | 1,2902 | 1,0157 | 0,9364 |
| июл.18 | 1107 | 0,9960 | 1,2625 | 1,0214 | 0,9582 |
| авг.18 | 1138 | 0,9390 | 1,4113 | 1,0258 | 0,6506 |
| сен.18 | 1054 | 0,9091 | 1,2246 | 1,0435 | 0,5326 |
| окт.18 | 1043 | 0,9386 | 1,1602 | 1,0354 | 0,7537 |
| ноя.18 | 1143 | 0,9895 | 1,3317 | 1,0524 | 1,0813 |
| дек.18 | 1158 | 0,9937 | 1,3735 | 1,0582 | 0,9435 |
| янв.19 | 1030 | 0.9227 | 1.0975 | 1.0948 | 0.8992 |
| фев.19 | 944 | 0,9796 | 0,8312 | 1,1044 | 0,8706 |
| мар.19 | 1000 | 0,9597 | 0,9995 | 1,0710 | 0,9397 |
| апр.19 | 978 | 0,9687 | 0,9163 | 1,0910 | 1,0772 |
| май.19 | 981 | 1.0327 | 0.8600 | 1.1277 | 0.9306 |

## БАНК ҲИСОБВАРАҚАЛАРИ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАР

2019 йилнинг май ойида банклараро амалга оширилган тўлов ҳужжатлари сони 6 206 мингтани ташкил этди, бу 2019 йил апрель даражасига нисбатан 50 581 та битимга (0,8 фоизга пасайиш) камдир. Шунингдек, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,1 фоизга пасайгани ҳолида 2015 йилнинг январь ойига нисбатан 42,6 фоизга ошиши кузатилмоқда.

**3-жадвал. 2019 йил май ойида қайд этилган битимлар сони**

| Вилоятлар | Транзакция-лар сони | Вилоятлар улуши | 2015 йил-нинг январь ойига нис-батан | Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан | Ўтган ойга нисбатан |
|---|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 291,082 | 4.8% | 157.8% | 101.4% | 101.0% |
| Андижон вилояти | 334,782 | 5.6% | 148.5% | 108.4% | 100.4% |
| Бухоро вилояти | 275,881 | 4.6% | 116.4% | 100.9% | 94.3% |
| Жиззах вилояти | 185,502 | 3.1% | 154.0% | 108.3% | 101.8% |
| Қашқадарё вилояти | 373,879 | 6.2% | 146.2% | 101.5% | 98.8% |
| Навоий вилояти | 213,013 | 3.5% | 155.7% | 110.6% | 99.6% |
| Наманган вилояти | 280,735 | 4.7% | 136.9% | 110.0% | 100.3% |
| Самарқанд вилояти | 402,929 | 6.7% | 170.0% | 112.3% | 94.5% |
| Сурхондарё вилояти | 266,441 | 4.4% | 128.1% | 92.3% | 98.7% |
| Сирдарё вилояти | 153,791 | 2.6% | 169.1% | 107.4% | 101.6% |
| Тошкент вилояти | 495,427 | 8.2% | 137.0% | 92.3% | 98.4% |
| Фарғона вилояти | 406,281 | 6.8% | 133.0% | 106.8% | 101.6% |
| Хоразм вилояти | 266,844 | 4.4% | 163.2% | 94.1% | 97.6% |
| Тошкент шахри | 2,260,127 | 37.6% | 139.5% | 104.6% | 99.8% |
| Жами | 6,206,714 | 103% | 142.6% | 103.3% | 99.2% |

2019 йилнинг май ойида юридик шахслар ўртасидаги банк операциялари сони ўтган ойга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё ва Фарғона сингари вилоятларида ўсган. Ўсиш даражаси бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах вилоятида кузатилиб, операциялар сони жорий йилнинг мартига нисбатан 1,8 фоизга ўсган. Бошқа худудларда пасай-иш кузатилиб, энг паст кўрсаткич Бухоро вилоятида қайд этилган.

**2-расм. Ўтган ой кўрсаткичларига нисбатан ИФИнинг банк операциялари бўйича компонентида пасайиш кузатилмоқда**



**3-расм. Банк транзаксиялар сонининг май ойидаги камайиш тенденсияси сақланиб қолди**




## ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИДАГИ ФАОЛЛИК

2019 йилнинг май ойида юридик шахслар ўртасидаги банк операциялари сони ўтган ойга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё ва Фарғона сингари вилоятларида ўсган. Ўсиш даражаси бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах вилоятида кузатилиб, операциялар сони жорий йилнинг мартига нисбатан 1,8 фоизга ўсган. Бошқа ҳудудларда пасайиш кузатилиб, энг паст кўрсаткич Бухоро вилоятида қайд этилган.

Биржада товарлар савдосининг умумий айланмаси 2019 йил май ойида 3 727 млрд.сўмни ташкил этди, бу ўтган ойга нисбатан 0,7 фоизга кўпдир.

**2-расм. 2019 йил май ойида индекснинг биржавий таркибий қисми апрелга нисбатан камайди**



**5-расм. 2019 йил май ойида биржадаги савдонинг умумий ҳажми ўтган ойга нисбатан 0,7% га ошди (Биржадаги битимлар қиймати, млрд.сўм)**




**6-расм. Биржадаги битимлар сони апрель ойига нисбатан 10,6 % га камайди (Биржадаги битимлар сони, дона.)**




## БРЕНДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

**Цемент.** 2019 йил апрель ойида товар-хомашё биржасида сотилган цемент ҳажми 726,6 минг тоннани ташкил этди, бу ўтган ойга нисбатан 88,3 минг тоннага кўпдир. Цемент савдосининг улуши умумий битимлар ҳажмида 19,6 фоизни, қиймати бўйича савдо ҳажмига нисбатан эса 10,5 фоизни ташкил этди.

**Буғдой уни.** Буғдой унининг савдо ҳажми 12,3 минг тоннани ташкил этиб, 2019 йил март ойига нисбатан 0,85 минг тоннага камайган. Буғдой уни улуши умумий битимлар сони ҳажмида 5,1 фоизни, қиймати бўйича савдо ҳажмида 0,61 фоизни ташкил қилди.

**4-жадвал. 2019 йил апрелига нисбатан савдо ҳажмининг (натура ифодасидаги) енг баланд ўсиши шиша банка сотувида кузатилди**

| | Натура ифодасидаги савдо ҳажми | | Савдо ҳажми | | | Битимлар сони | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | тонна | 2019 йил март ойига нисбатан, %да | млн.сўм | 2019 йил март ойига нисбатан, %да | умумий ҳажмга нисбатан, %да | дона. | 2019 йил март ойига нисбатан, %да | умумий ҳажмга нисбатан, %да |
| Жами | | | 3,727,563.5 | 100.7 | 100.0 | 32,931 | 89.4 | 100.0 |
| Шу жумладан, танлов бўйича | | | 1,391,194.0 | 93.4 | 37.3 | 24,728 | 89.0 | 75.1 |
| Бензин А 80 | 6,249.6 | 85.6 | 29,729.5 | 87.6 | 0.8 | 573 | 99.3 | 1.7 |
| Бензин А 91 | 478.8 | 106.1 | 3,014.6 | 112.8 | 0.1 | 89 | 90.8 | 0.3 |
| Дизел ёқилғиси | 40,180.7 | 102.3 | 337,453.0 | 103.1 | 9.1 | 1,509 | 96.4 | 4.6 |
| Қурилиш битуми | 387.0 | 75.7 | 1,776.2 | 73.9 | 0.0 | 27 | 84.4 | 0.1 |
| Цемент | 797,480.0 | 109.8 | 392,295.9 | 101.4 | 10.5 | 8,154 | 112.8 | 24.8 |
| Арматура | 20,239.7 | 102.2 | 112,528.4 | 101.6 | 3.0 | 1,759 | 100.1 | 5.3 |
| Сайқалланган ойна (кв.м) | 556,000.0 | 117.6 | 13,340.6 | 135.1 | 0.4 | 194 | 132.0 | 0.6 |
| Индустриал мойи | 1,980.4 | 107.2 | 13,526.3 | 109.8 | 0.4 | 402 | 126.0 | 1.2 |
| Линт | 7,099.0 | 109.6 | 19,945.7 | 105.2 | 0.5 | 263 | 112.9 | 0.8 |
| Буғдой уни | 12,611.8 | 102.8 | 23,369.9 | 103.1 | 0.63 | 1,881 | 99.4 | 5.7 |
| Полиетилен | 6,499.0 | 66.7 | 81,602.6 | 66.7 | 2.2 | 603 | 70.0 | 1.8 |
| Мой | 8,229.4 | 93.3 | 71,022.1 | 95.0 | 1.9 | 2,780 | 95.4 | 8.4 |
| Шакар | 4,524.0 | | 20,663.0 | | 0.6 | 276 | | 0.8 |
| Шиша банка (дона) | | 237.1 | 5,891.6 | 233.8 | 0.2 | 185 | 174.5 | 0.6 |
| Қора металлар прокати | 8,651.0 | 94.4 | 47,594.5 | 93.8 | 1.3 | 933 | 91.6 | 2.8 |
| Ем учун дон | 48,723.0 | 89.5 | 88,647.3 | 94.5 | 2.4 | 938 | 93.1 | 2.8 |
| Суюлтирилган газ | 11,413.0 | 56.9 | 40,013.1 | 87.2 | 1.1 | 1,084 | 59.0 | 3.3 |
| Кўмир | 9,136.0 | 82.2 | 2,549.8 | 81.0 | 0.1 | 99 | 86.1 | 0.3 |
| Пахта чигити шелухаси | 15,699.0 | | 23,376.9 | | 0.6 | 966 | | 2.9 |
| Пахта чигити шроти (кунжараси) | 27,748.9 | 53.2 | 56,279.2 | 57.2 | 1.5 | 2,004 | 58.5 | 6.1 |

**Цемент.** 2019 йил май ойида товар-хомашё биржасида сотилган цемент ҳажми 797,4 минг тоннани ташкил этди, бу ўтган ойга нисбатан 88,3 минг тоннага кўпдир. Цемент савдосининг улуши умумий битимлар ҳажмида 19,6 фоизни, қиймати бўйича савдо ҳажмига нисбатан эса 10,5 фоизни ташкил этди.

**7-а расм. Цемент савдосининг ҳажми 70,9 минг тоннага кўпайди**




**Буғдой уни.** Буғдой унининг савдо ҳажми 12,3 минг тоннани ташкил этиб, 2019 йил март ойига нисбатан 0,85 минг тоннага камайган. Буғдой уни улуши умумий битимлар сони ҳажмида 5,1 фоизни, қиймати бўйича савдо ҳажмида 0,61 фоизни ташкил қилди.

**7-б расм. Буғдой унининг савдо ҳажми 0,34 тоннага ошди**



**Полиэтилен.** Апрель ойида биржа савдосида 122 млрд. сўмлик 9 743 тонна миқдоридаги полиэтилен сотуви амалга оширилди. Бу кўрсаткич ўтган ойга нисбатан 3 минг тоннага ошган. Полиэтилен савдосининг улуши умумий битимлар сони ҳажмида 2,3 фоизни ташкил этди.

**7-д расм. Полиэтилен савдоси ҳажми 3,2 минг тоннага камайди**




**Пахта чигити, шрот ва шелуха.** Апрель ойида ушбу икки товарнинг савдо ҳажми 87,8 минг тоннани ташкил этди ва март ойига нисбатан 14 минг тоннага кўпайди. Пахта чигити шроти ва шелухасининг улуши умумий битимлар сони ҳажмида 15,8 фоизни ташкил этди ва ўтган ойга нисбатан 1,2 фоизга пасайди.

**7-е расм. Пахта чигити шроти ва шелухаси савдо жами 44,3 минг тоннага камайди**



**7-ф расм. Суюлтирилган газ савдоси 8,7 минг тоннага пасайди**




**Суюлтирилган газ.** 2019 йилнинг апрель ойида суюлтирилган газ савдо ҳажми 20,1 минг тоннага етди, бу жорий йилнинг март ойига нисбатан 4,1 минг тоннага кўпдир. Суюлтирилган газнинг умумий битимлар сонидаги улуши 5 фоизни ташкил этди.

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ

ИФИнинг фаолият юритувчи хўжалик субъектлар бўйича компоненти 2019 йил май ойида 0,9690 бирликни ташкил этди.

2019 йил май ойининг охирида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони 2019 йил апрель ойига нисбатан 15 896 донага кам бўлиб, 422 804 та (2019 йилнинг апрель ойида 438 700 та)ни ташкил этди.

Ўрганилаётган даврда кичик корхоналар сони 296 842дан  304 154 гача ўсганлигини кузатиш мумкин. (7312 тага ошган). Фермер хўжаликлари сони 139 395 тадан  116 332 тагача (23 063 тага) камайган. Йирик тадбиркорлик билан шуғулланадиган субъектлар сони 2318 тани ташкил этиб, 2019 йил апрель ойига нисбатан 145 донага камайган.

**8-расм. Хўжалик юритувчи субъектлар таркибида синусоидал ўзгариш сақланиб қолмоқда (ўтган ойга нисбатан, %да)**



**5-жадвал. 2019 йилнинг апрель ойида ИФИнинг хўжалик юритувчи субъектлар бўйича компоненти 0,9806 бирликка ўзгарган**

| Ой | Жами | Шулардан: | | | Ўзгариш: | | | Хўжалик юритувчи субъектлар компоненти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Йирик | Кичик | Фермер | Йирик 0,266* | Кичик 0,558* | Фермер 0,176* | |
| май.17 | 378 474 | 2 402 | 227 964 | 148 108 | 0,9182 | 1,0126 | 1,0016 | 0,9855 |
| июн.17 | 379 289 | 2 344 | 229 401 | 147 544 | 0,9759 | 1,0063 | 0,9962 | 0,9964 |
| июл.17 | 380 752 | 2 324 | 230 422 | 148 006 | 0,9915 | 1,0045 | 1,0031 | 1,0008 |
| авг.17 | 382 258 | 2 329 | 231 147 | 148 782 | 1,0022 | 1,0031 | 1,0052 | 1,0033 |
| сен.17 | 381 332 | 2 294 | 229 966 | 149 072 | 0,9850 | 0,9949 | 1,0019 | 0,9935 |
| окт.17 | 382 453 | 2 405 | 230 520 | 149 528 | 1,0484 | 1,0024 | 1,0031 | 1,0148 |
| ноя.17 | 380 652 | 2 326 | 229 833 | 148 493 | 0,9672 | 0,9970 | 0,9931 | 0,9884 |
| дек.17 | 379 818 | 2319 | 229666 | 147833 | 0,9970 | 0,9993 | 0,9956 | 0,9980 |
| янв.18 | 384 238 | 2 180 | 232 858 | 149 200 | 0,9401 | 1,0139 | 1,0092 | 0,9934 |
| фев.18 | 390 860 | 2 181 | 235 853 | 152 826 | 1,0005 | 1,0129 | 1,0243 | 1,0116 |
| мар.18 | 395 581 | 2 255 | 238 513 | 154 813 | 1,0339 | 1,0113 | 1,0130 | 1,0176 |
| апр.18 | 400 901 | 2 615 | 242 533 | 155 753 | 1,1596 | 1,0169 | 1,0061 | 1,0529 |
| май.18 | 400 303 | 2 045 | 245 064 | 153 194 | 0,7820 | 1,0104 | 0,9836 | 0,9450 |
| июн.18 | 401 964 | 2 041 | 247 700 | 152 223 | 0,9980 | 1,0108 | 0,9937 | 1,0044 |
| июл.18 | 404 885 | 2 041 | 250 503 | 152 341 | 1,0000 | 1,0113 | 1,0008 | 1,0065 |
| авг.18 | 407 867 | 2 049 | 253 179 | 152 639 | 1,0039 | 1,0107 | 1,0020 | 1,0073 |
| сен.18 | 412 549 | 2 057 | 257 127 | 153 365 | 1,0039 | 1,0156 | 1,0048 | 1,0106 |
| окт.18 | 413 473 | 2 074 | 258 736 | 152 663 | 1,0083 | 1,0063 | 0,9954 | 1,0049 |
| ноя.18 | 415 451 | 2 080 | 261 191 | 152 180 | 1,0029 | 1,0095 | 0,9968 | 1,0055 |
| дек.18 | 416 966 | 2 079 | 262 930 | 151 957 | 0,9995 | 1,0067 | 0,9985 | 1,0033 |
| янв.19 | 429 551 | 2 098 | 274 949 | 152 504 | 1,0091 | 1,0457 | 1,0036 | 1,0286 |
| фев.19 | 438 110 | 2 121 | 283 023 | 152 966 | 1,0110 | 1,0294 | 1,0030 | 1,0198 |
| мар.19 | 441 649 | 1 888 | 289 659 | 150 102 | 0,8901 | 1,0234 | 0,9813 | 0,9806 |
| апр.19 | 438 700 | 2 463 | 296 842 | 139 395 | 1,3046 | 1,0248 | 0,9287 | 1,0823 |
| май.19 | 422 804 | 2 318 | 304 154 | 116 332 | 0,9411 | 1,0246 | 0,8345 | 0,9690 |

**компонентдаги улуши*

**6-жадвал. 2019 йилнинг май ойида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари компоненти**

| Вилоятлар | Жами | Йирик | Кичик | Фермер | Хўжалик юритувчи субъектлар компоненти |
|---|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Ресбубликаси | 20 501 | 77 | 13 732 | 6692 | 0,9982 |
| Андижон вилояти | 33 948 | 115 | 25 426 | 8407 | 0,9349 |
| Бухоро вилояти | 24 971 | 131 | 17 844 | 6996 | 0,9933 |
| Жиззах вилояти | 20 631 | 44 | 13 063 | 7524 | 0,9573 |
| Қашқадарё вилояти | 35 872 | 168 | 18 730 | 16974 | 0,9761 |
| Навоий вилояти | 15 068 | 74 | 11 206 | 3788 | 0,9861 |
| Наманган вилояти | 27 556 | 109 | 19 807 | 7640 | 1,0006 |
| Самарқанд вилояти | 36 854 | 136 | 23 427 | 13291 | 0,9414 |
| Сурхандарё вилояти | 21 394 | 114 | 13 869 | 7411 | 0,9556 |
| Сирдарё вилояти | 13 944 | 48 | 9 444 | 4452 | 0,9507 |
| Тошкент вилояти | 41 328 | 267 | 28 460 | 12601 | 0,9938 |
| Фарғона вилояти | 41 355 | 166 | 27 252 | 13937 | 1,0030 |
| Хоразм вилояти | 20 805 | 90 | 14 097 | 6618 | 0,9882 |
| Тошкент шаҳри | 68 577 | 779 | 67 797 | 1 | 0,9718 |
| Жами | 422 804 | 2 318 | 304 154 | 116 332 | 0,9690 |

## БРЕНДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

2019 йил май ойида савдо белгилари муҳофазаси бўйича бизнес фаоллиги индекси 1,064 бирликни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган ойга нисбатан 6,5 фоизга ошган. Май ойида юридик шахслар томонидан 216 та товар белгилари ва товар номлари рўйхатга олинган. Товар белгиларининг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича 56 та ҳолатлар ҳақида маълумот берилган. Ҳимояланган товар белгилари сонининг соф ўсиши 295 тани ташкил этди ва бу ўтган ойга нисбатан 16 тага ошганлини билдиради.

**9-расм. 2019 йилнинг май ойида товар белгилари сонининг соф ўсиши (янги товар белгилари минус амал қилиш муддати тугаган товар белгилари ) 295 тани ташкил этди**




2019 йилнинг апрель ойида товар белгисига берилган гувоҳнома амал қилиш муддатидан аввал тўхтатилиши бўйича ҳолат аниқланмаган.

**7-жадвал. 2019 йилнинг майида товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш бўйича бизнеснинг фаолияти**

| | Апрель 2019 | | Май 2019 | |
|---|---|---|---|---|
| | сони | сони | сони | Ўтган ойга нисбатан |
| Товар белгилари бўйича бизнеснинг ижобий фаолияти | 279 | 74,6% | 297 | 106.5% |
| Рўйхатдан ўтган товар белгилари ва товар номлари | 203 | 94,9% | 216 | 106.4% |
| Товар белгисини муддатини узайтириш | 39 | 32,2% | 56 | 143.6% |
| Товар белгисининг ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш | 37 | 94,9% | 25 | 67.6% |
| Ҳар хил сабаблар билан товар белгиларининг амал қилиш муддатининг бекор қилиниши | 0 | 0% | 2 | |
| Ҳимояланган товар белгилари сонининг соф ўсиши | 279 | 74,6% | 295 | 105.7% |
| Ҳимояланган товар белгилари индекси | 0,7460 | | 1.0573 | |

# ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИДА БИЗНЕС ФАОЛЛИК ИНДЕКСЛАРИ

## АҚШда бизнес фаоллик индекси (ПМИ).

Май ПМИ® индекси 52,1 фоизни ташкил этди, бу эса апрель ойидаги 52,8 фоизга нисбатан 0,7 фоизга камайди. Янги буюртмалар индекслари 52,7 фоизни ташкил этиб, апрель ойидаги 51,7 фоиз кўрсаткичдан 1 фоизга ошганини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш индекси 51,3 фоизни ташкил этди, бу эса апрель ойидаги 52,3 фоизга нисбатан 1 фоизга паст. Иш билан бандлик индекси 53,7 фоизни ташкил этди ва бу апрель ойидаги кўрсаткичдан 1,3 фоиз даражага кўпдир. Тармоқ эткaзиб бериш индекси 52 фоизни ташкил этди, бу эса апрель ойидаги кўрсаткичдан 2,6 фоизга пасайишни кўрсатиб, 54,6 фоизни ташкил этганди. Захираларни инвентаризациялаш индекси апрелдаги 52,9 фоизга нисбатан 2 фоиз даражага пасайиб, 52.9 фоизни ташкил этди. Нархлар индекси 53,2 фоизни ташкил этди, бу апрель ойидаги кўрсаткичдан 3,2 фоизга ошди.

**8-жадвал. АҚШнинг 2019 йил май ойидаги бизнес фаоллиги индекси (ПМИ)**

| Индекс | Май | Апрель | Ўзгариш | Умумий йўналиши | Ўзгаришлар даражаси | Тренд (ой) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ПМИ | 52,1 | 52,8 | -0,7 | Ўсиш | Секинроқ | 32 |
| Янги буюртмалар | 52,7 | 51,7 | 1,0 | Ўсиш | Тезроқ | 40 |
| Ишлаб чиқариш | 51,3 | 52,3 | -1,0 | Ўсиш | Секинроқ | 32 |
| Бандлик индекси | 53,7 | 52,4 | 1,3 | Ўсиш | Тезроқ | 31 |
| Етказиб бериш индекси | 52,0 | 54,6 | -2,6 | Пасайиш | Секинроқ | 38 |
| Ишлаб чиқарувчи захиралари | 50,9 | 52,9 | -2,0 | Ўсиш | Секинроқ | 16 |
| Истеъмолчи захиралари | 43,7 | 42,6 | 1,1 | Жуда паст | Секинроқ | 31 |
| Нархлар индекси | 53,2 | 50,0 | 3,2 | Ўзгаришсиз | Ўзгаришсиз | 1 |
| Буюртмаларнинг орқада қолиши | 47,2 | 53,9 | -6,7 | Ўсиш | Тезроқ | 4 |
| Експортга янги буюртмалар | 51,0 | 49,5 | 1,5 | Пасайиш | Тезроқ | 1 |
| Импорт | 49,4 | 49,8 | -0,4 | Пасайиш | Тезроқ | 1 |
| Мамлакат иқтисодиёти | | | | Ўсиш | Секинроқ | 120 |
| Саноат сектори | | | | Ўсиш | Секинроқ | 32 |

**Маълумот учун.** ПМИ ҳар ой Таъминотни бошқариш институти томонидан тайёрланган ИСМ ҳисоботида чоп этилади. У 400 дан ортиқ саноат корхоналари таъминот бўлимлари раҳбарларининг жавоблари асосида ҳисоблаб чиқилган.

**Германияда бизнес фаоллик индекси (ИФО).**

Ишбилармонлик иқлими кўрсаткичи 2019 йилнинг май ойида 99,2 пунктдан 97,2 пунктга пасайди. Бу кўрсаткич 2014 йилнинг ноябрь ойидан бери ҳисобланган энг паст кўрсаткич бўлди (2019 йилнинг май ойигача энг паст кўрсаткич 99,1 пунктни ташкил этганди).

**10-расм. Германияда бизнес фаоллик индекси кўрсаткичининг ўзгариши**




**9-жадвал. Германиянинг 2019 йил май ойидаги бизнес фаоллиги индекси**

| Индекс | Май | Апрель | Энг юқори кўрсаткич | Энг паст кўрсаткич | Бирлик |
|---|---|---|---|---|---|
| ПМИ | 97,9 | 99,2 | 109,8 | 79,8 | Indeks ballari |
| ПМИ хизматлари | 55,4 | 55,7 | 60,3 | 41,3 | Indeks ballari |
| Ишлаб чиқариш | 44,3 | 44,4 | 63,3 | 32,0 | |
| Саноат ишлаб чиқариш | -1,8 | -0,9 | 15,30 | -21,8 | Фоиз |
| Янги буюртмалар | 102,5 | 102,00 | 113,5 | 8,8 | Indeks ballari |
| Стандарт буюртмалар | 0,3 | 0,8 | 27,1 | -15,7 | Фоиз |
| Банкротлар | 1582,0 | 1579,0 | 3755,0 | 416,0 | Компаниялар |
| Корпоратив даромадлар | 192,1 | 193,12 | 202,12 | 91,05 | Евро миллиард |

**10-жадвал. Германияда бизнес фаоллик индексининг динамикаси (ИФО, 2015=100, мавсумий ўзгаришларга мослаштирилган)**

| Ой/йил | 04.18 | 05.18 | 06.18 | 07.18 | 08.18 | 09.18 | 10.18 | 11.18 | 12.18 | 01.19 | 02.19 | 03.19 | 04.19 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ИФО индекси | 102,2 | 102,2 | 101,8 | 101,7 | 103,8 | 103,7 | 102,8 | 102,0 | 101,0 | 99,1 | 98,5 | 99,6 | 99,2 |
| Ҳозирги ҳолат | 105,8 | 106,0 | 105,1 | 105,3 | 106,4 | 106,4 | 105,9 | 105,4 | 104,7 | 104,3 | 103,4 | 103,8 | 103,3 |
| Кутилиши | 98,7 | 98,5 | 98,9 | 98,2 | 101,2 | 101,0 | 99,8 | 98,7 | 97,3 | 94,2 | 93,8 | 95,6 | 95,2 |

**Ма`лумот.** ИФО Ишбилармонлик муҳити Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо ва қурилиш соҳасидаги тахминан 9,000 та фирманинг жавоблари асосида баҳоланади. Фирмалардан келгуси олти ой мобайнида мавжуд ишбилармонлик ҳолати ва улар кутаёган ҳолатни баҳолаб бериш сўралади. Улар ўзларининг фикрларини «яхши», «қониқарли» ёки «ёмон», кейинги олти ой учун «мақбул», «ўзгармаган» ёки «ноқулай» деб ҳисоблашлари мумкин.

**Россиядаги ишбилармонлик фаолияти,** 2019 йил май ойида 2018 йил май ойига нисбатан қуйидагича:
- қазиб чиқариш саноатида 3% дан 1% гача пасайган;
- қайта ишлаб чиқариш саноатидага кўрсаткич -2% дан -1% гача ўсган;
- электр энергияси, газ ва буг бериш саноатида кўрсаткич ўзгаришсиз қолган (-8%).

Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг маҳсулотга бўлган талабини баҳолаш баланси (буюртма китоби) қазиб чиқариш саноатида 25%, қайта ишлаб чиқариш саноатида -31%, 2018 йилнинг май ойига нисбатан -24% ташкил этган.

**11-расм. Россияда тадбиркорларнинг ишбилармонлик индексининг динамикаси**

